

Саудия Арабистонида Қурбон ҳайити 6 июнь куни нишонланади



03:27 / 28.05.2025 1290

Қироллик Олий Маҳкамаси Зулҳижжа ҳилоли кўрингани муносабати билан 28 майдан Зулҳижжа ойи бошланганини, 5 июнь куни эса ҳожилар Арафотда туришини маълум қилди. Ўзбекистон Муслмонлари идораси ҳам Зулҳижжа ойи — 2025 йил 28 майдан бошланишини тасдиқлади.

Саудия Арабистонидаги ой кузатиловчи минтақа — Тумайрда 27 май куни Зулҳижжа ойи кўринди. Шунга мувофиқ, Саудия Арабистони Олий суди — 2025 йил 28 май, чоршанба кунидан 1446 ҳижрий йилнинг Зулҳижжа ойи бошланишини [эълон қилди](#).

Унга кўра, ҳожиларнинг Арафотда туриш маросими (арафа куни) 2025 йил 5 июнь, пайшанба куни бўлиши тасдиқланди. Қурбон ҳайити эса ундан кейинги кун, яъни 2025 йил 6 июнь, жума куни нишонланади.